O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 7 июль № 141 (3416) Чоршанба






## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июль куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайлони қабул қилди.

МДҲни ривожлантириш йўлида муайян муаммолар вужудга келгани сир эмас. Аъзо мамлакатларда эса Ҳамдўстликдаги вазиятни тубдан ўзгартиришга иштиёқ катта. Мамлакатимиз раҳбари бундай ўзгаришларни амалга оширишда кўпчиликнинг фикрига, биринчи навбатда Россия томонининг нуқтаи назарига таяниш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

В.Рушайло Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан. Ижрочи котиб лавозими унинг зиммасига МДҲ мамлакатларидаги вазият ва қарашларни ўрганиб, зарур режа ва тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Меҳмон Ҳамдўстликни ривожлантиришда Ўзбекистон илгари сурган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Ҳозир МДҲ доирасидаги муносабатларда эркин савдо зонаси барпо этиш, аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари янада долзарблашмоқда. Ҳамдўстлик доирасида ташкил этилган тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи омилларга қарши ҳамкорликда курашни кучайтиришга оид масалалар ҳам шулар сирасига киради.

Оқсаройдаги учрашувда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилар экан, ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳамдўстликнинг сентябрга мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## *ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ*

Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Томонлар МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг куни кеча Москвада ўтган норасмий учрашуви якунлари борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Учрашувда, шунингдек, МДҲ доирасидаги турли идора ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, Ҳамдўстлик минтақасида эркин савдо зонасини яратиш, МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашни кучайтириш борасида сўз борди.

**(ЎзА).**

## *Озод юрт аёли*

***Шу йил 21 июнь куни Оқсарой қароргоҳида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган мажлисда ўтирар эканман, бу масалада Юртбоши фармонини ижро этиш бўйича ҳукумат қарори билан танишганимда, хаёлимда барча гаплар, ташвишли ўйлар ҳамда мақсад-муддаога етиш учун белгиланаётган вазифаларнинг таг замирида Ўзбекистонда яшаётган энг оддий, хокисор, меҳнаткаш, қадоқ қўлли аёллар, андишали, лекин ҳаётга ташна қизларимизнинг асл қадр-қимматини янада баландга кўтариш ҳақидаги ўйлар ётибди, деган фикр чарх ураверди. Аввало, мустақиллик йилларида бу қадр ва қимматни ўрнига қўйиш, жамиятимиздаги барча эзгу ишларга хотин-қизларимизни бевосита жалб этиш борасида талай ишлар қилинганлигини тан олишимиз даркор. Шу билан бирга айни пайтда Юртбошимиз бу қадар куюнчаклик билан яна шу масалага такрор ва такрор эътиборни қаратаётганликларидан ҳушёр тортишимиз, масъулият сезишимиз керак.***

## Баландлаб бораётган қадр

Президентимиз қатъият билан ушбу масаланинг мағзини тушунтирганларида "оилага ота бўлиш, юртга ота бўлиш нақадар масъулиятли" эканлигини англадим. Юртнинг отаси ҳамма учун бирдай қайғуради, ҳамманинг ташвишини чекади. Чунки эътиборсизликка йўл қўйишса ёки табиий тараққиёт, жамият фуқароларининг яхши яшашлари учун етарли шарт-шароит бўлмаса, ният ниятлигича қолиб кетишини Ота яхши англайди-да. Шу боис атрофига барча раҳбарларни чорлаб, ҳар бир ўғил-қизимизнинг муносиб турмуш кечириши, шу заминда яшаб, яхши тарбия олиб, ҳалол меҳнат қилаётганлигидан рози бўлиши учун бугун хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кераклигини бот-бот уқтирдилар.

"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонини амалда қандай рўёбга чиқариш йўл-йўриқларини белгилашга бағишланган ўша йиғилишдан сўнг ўзимча бир фикрда тўхталдим. Бугун Юртбошимизни қийнаётган сабаблардан бири — ҳушёрликни йўқотиб қўйганимиздадир.

"Ҳушёрликни аёлларга берсин Аллоҳ" деган гапни эшитганим бор. Хўш, акс ҳолда нима бўлади? Аёл киши умрининг аксарият қисмини рўзғор ташвишлари билан ўтказишини биламиз. Ҳушёр бўлмаган аёл ёшликдан она ёки момоси қилган яхши, ибратли ҳаракатларни илғамай қолади. Натижада вояга етиб, турмуш қурганда, ўзлаштирилмаган урф-одатлар унга панд бера бошлайди. Қайнона ёки қайнотага яхши, ўринли муомалани билмай, эрининг енгил инжиқликларини ҳам кўтара олмай, фарзанд кўрганда уни яхши парвариш қилолмай қийналади, натижада айрим ҳолларда ана шу "ғўрлиги", уқувсизлиги учун оила-рўзғордан ҳам ажралиб қолади.

Ҳушёрликни йўқотган аёл ўз боласининг талаб-истаклари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тўғри илғаб ололмай, унинг тарбиясини ҳам издан чиқаради. Бола гапига гап қайтарса ёки ёмон болаларга қўшилиб қолса, айбни ташқаридан, ўқитувчилардан ёки қўшнисининг ноқобил боласидан қидиради. Қизи ёки ўғлининг дарсга қизиқмай, дарс қолдираётган пайтларида "ҳарна банд бўлсин" деб сўраб-суриштирмай чала отинча ёки муллага сабоқ олгани юборади, бунинг учун унга маълум маблағ ҳам сарфлайди. Битта-иккита сурани ёдлаб олган боласининг хатти-ҳаракатларида ғалати ўзгаришлар бўлаётганлигини ҳам пайқамай қолади, уни ғафлат босади. Ўсмирлик ёки ўспиринлик ёшидаёқ, мустақил фикри бўлмагани учун у ёки бу оқимлар таъсирида аввал ташқи кўринишини, кейин онгини ҳам ўзгартириб олган ёшларга ота-оналари, биринчи навбатда, оналари беэътибор бўлганлар қисмати аччиқ бўлишини ҳаётнинг ўзи айрим машъум воқеалар мисолида бизга кўрсатди-ку!.

Ҳа, «Аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат» деган шоиранинг фикрларида ҳаётий маъно бор. Аёллар ҳаётнинг ҳар бир ҳодисаси, ўзгариши, муаммоси-ю, янгиликларига ҳушёр, зийрак туриб бермас эканлар, биз энг нодир неъматларимиз — фарзандларимиз тарбияси, уларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатлари шаклланишида хатоликларга йўл қўяверар, катта эзгу ниятлар билан қураётган фуқаролик жамиятимизга муносиб ёшлар шахсини шакллантира олмас эканмиз.

Юртбошимиз "умуман, бизга хотин-қизлар қўмитаси керакми, у нима мақсадда ташкил этилган эди" деганларида, очиғи, жуда хижолат бўлдим. Чунки мен ҳам бир зиёли инсон, шу юртда, шу Ватанда туғилиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган, фарзандларига она, набирасига буви бўлган, республика миқёсида оила муаммолари бўйича мутахассис бўла туриб, шу каби саволларнинг пайдо бўлишида айбим борлигини тан олдим. Ҳақиқатан ҳам, биз айрим масалаларда хато кетибмиз. Ёшлар, қизларимиз ўртасида дунёвий илмлар билан бир қаторда диний маърифатни олиб боришга илмимиз етишмабди. Ислом динида, ота-боболаримиз ихлос этган ва сақлаб келаётган қадриятларда гап кўп, иймон ва диёнат тушунчалари комил инсоннинг зарур сифати эканлигини билар эдигу лекин шуни оилада, мактабда, маҳаллада ҳар бир бола онгига сингдиришни уддалай олмабмиз. Бу соҳада билганларимизни ёшларга, маҳалла-кўйда ўзимиздан кўра соддароқ, махсус илмлардан хабардор бўлмаганларга аниқ тушунтиришга уқувимиз етишмабди.

**(Давоми 2-бетда).**

## *РАҲБАРЛАР УЧУН СЕМИНАР*

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Жамшид РАУПОВ).***

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ушбу идоранинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари учун семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга оширишни муҳокама қилишдан иборат эди.

Агентлик юқорида зикр этилган қарор асосида тезкор бошқарувни амалга ошириш ва вилоят бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун ўзининг тузилмавий ҳудудий корхоналари негизида ҳудудий бошқармаларни ташкил этди.

Бундай бошқармаларнинг асосий вазифаси ҳудудларнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши, лицензияли битимлар шартлари, радиочастота спектридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот ва почта хавфсизлиги талабларини бажаришни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Айни пайтда мазкур бошқармаларни юқори малакали кадрлар ва керакли техника билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, жойлардаги ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлимлари билан ўзаро ҳамжиҳатлик тартиби белгиланмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

## БУ ЙИЛГИ БУҒДОЙНИНГ ТАЪМИ БЎЛАКЧА

***Бундан ўн беш йиллар муқаддам «Ўзбекистон ўз ғалла мустақиллигига эга бўлади» дейилса, кўпчилик ишонмасди. Ҳаттоки, мустақилликнинг илк йилларида мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш учун илк интилиш бошланган пайтларда ҳам айримлар бунга шубҳа остида қараганига гувоҳ бўлганмиз.***

Ана шундай оламшумул ютуқларимиздан бири, табиийки, ғалла мустақиллигига эришганимиздир. Бугун Ўзбекистон нафақат ўз халқининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қондираяпти, балки хорижга ҳам ғалла, ун ва ун маҳсулотларини экспорт қилаяпти, десангиз, кўпчилик ҳайратланмайди. Худди ҳар доим шундай бўлган ёки бўлиши керакдек қабул қилади. Аслида эса ғалла етиштириш, уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, сақлаш ва ун тайёрлаш, қолаверса, ғалла ва ун маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражада рақобатбардош этиб ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун нафақат меҳнат, айни пайтда ҳар бир ғаллакор дилида Ватан ишқи жўш уриши керак.

Яқинда йўлимиз Навоий вилоятига тушган эди. Биз борган куни вилоят деҳқонлари ғалла топшириш бўйича шартнома режасини бажариб, зафар қучишган экан. Уларнинг хурсандчилигига шерик бўлдик. Вилоят ғаллакорларини бу улкан ютуқ билан қутладик. Қарангки, навоийлик ғаллакорлар бу йил 68,5 минг тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этишибди. Эришилган меҳнат ғалабасига бағишланган йиғинда «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Дилшод Шомуродов билан суҳбатлашиб қолдик. У, жумладан, шундай деди:

— Жамоамиз ўтган йили ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритган эди. Жумладан, 2003 йилда корхона бўйича ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар ҳажми 6 миллиард 101 миллион 552 минг сўмни ташкил этди. Уларни сотишдан тушган тушум эса 5 миллиард 186 миллион 943 минг сўм бўлди.

Қўлга киритилган ютуқнинг асосий омили маҳсулотнинг сифатлилиги ва хорижий ҳамкорларнинг кўплигидир. Хусусан, 2004 йилнинг I чорагида Молдова, Украина, Грузия, Озарбойжон ва бошқа бир қатор хорижий давлатларга 4 минг тонна ун ва 37 минг тонна ғалла экспорт қилинди. Натижада корхона ҳисоб рақамига 5 миллион 278 минг АҚШ доллари келиб тушди. Бу эса ўз-ўзидан жамоанинг иқтисодий қуввати ошишига олиб келди. Иқтисодий салоҳиятнинг ошиши эса, ўз навбатида, ишчи-хизматчиларнинг шарт-шароитлари яхшиланишини таъминламоқда. Бугун акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари 70-75 минг сўмни ташкил қилаётгани бунинг исботидир.

Шуни таъкидлаш керакки, олдинда жорий йилда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш бўйича улкан вазифалар турибди. Омихта ем ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланишга асосий эътиборни қаратиш, дон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлардан унумли фойдаланиш, маҳсулот миқдори ҳамда турини кўпайтириш, ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни киритиш юзасидан барча имкониятларни ишга солиш, чет эллик ҳамкорлар сафини кенгайтириш, инвесторлар иштирокида қўшма корхона тузиш шулар сирасига киради.

Албатта, ишлаб чиқариш бўғинлари ўзаро чамбарчас силсила бўлиб, уларнинг ҳаммасида иш рисоладагидек йўлга қўйилгандагина умумий ютуқ таъминланади. Айтайлик, дон қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхонасида ишлар юришиши учун, аввало, ҳосил чўғи баракали бўлиши керак. Бунинг учун навоийлик деҳқонларнинг бутун мавсум мобайнида жонкуярлик кўрсатишганини таъкидлаш ўринлидир.

— Бу йилги буғдойнинг таъми бўлакча, — дейди янги ундан ёпилган бўрсилдоқ нонни сувга ботириб танаввул қилаётган навоийлик отахон Насриддин ҳожи Саидмўминхон ўғли. — Бу бошоқларга сиғмай кетган мағзи тўқ дон самараси, фидойи деҳқоннинг пешона тери эвазига тикланган хирмоннинг баракасидир.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***




**САМАРҚАНД. Вилоят ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қайта ишлаш корхоналарига 250,9 минг тонна сара дон етказиб берилди. Мавжуд 156,7 минг гектар майдондан ҳозиргача йиғиштириб олинган ялпи ҳосил 605 минг тоннани ташкил этди. Бу ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил олинди, демакдир.**

**Эришилган ғалабага Пастдарғом, Пайариқ, Иштихон, Нарпай, Оқдарё туманлари ғаллакорлари, айниқса, муносиб улуш қўшдилар. Бу туманларда ҳосилдорлик 50-55 центнердан ошди.**

**А. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**СИРДАРЁ. Вилоят ғаллакорларининг шартнома режасини ошириб бажаришига иккита омил сабаб бўлди. Биринчиси оилавий пудратчилар ва фермерлар режадан ошиқча доннинг ўзига қолишини сезиб меҳнат қилганлари бўлса, кейингиси уруғни экишда Мирзачўл тупроқ шароити ва иқлимига мос буғдой навларининг танланганидир. Масалан, «Дўстлик» навидан Сирдарё, Сайхунобод, Ховос, Боёвут, Гулистон туманларида гектаридан 50-70 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.**

**Вилоятда ҳозиргача давлатга 150 минг тоннадан ортиқ сифатли ғалла топширилди. Ялпи хирмонга Сардоба, Оқолтин, Боёвут туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар.**

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ЎЗБЕК ШАХМАТЧИСИ – ФИНАЛДА!



***Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган юз йигирма саккиз шахматчи орасидан сараланган икки нафари финалда ўйнайдиган бўлди. Халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов юртимиз шахмати тарихида илк маротаба жаҳон чемпионатининг финалида иштирок этади.***

Ўзбекистонлик шахмат устаси нуфузли турнирнинг саралаш беллашувлари ва чорак финалида беш тажрибали шахматчи устидан ғалаба қозонган эди. Айниқса, жаҳон чемпионлигига даъвогар халқаро гроссмейстерлар — амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук (Украина) ҳамда россиялик Александр Гришукни мағлубиятга учратган Рустам мухлису мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Ниҳоят, ўзбекистонлик шахматчилар орасида биринчи бўлиб ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов ушбу босқичда жаҳон чемпионатининг энг кучли шахматчиси Веселин Топаловга (Болгария) қарши дона сурди.

Мусобақа давомида Рустам ишончли ўйин кўрсатаётган бўлса-да, аксарият мутахассислар финалга чиқиш учун энг кўп рейтинг очкога эга В.Топаловнинг имкониятини юқори баҳолашган эди. Лекин ҳамюртимиз энг кучли шахматчи билан ҳам тенгма-тенг ўйнаш мумкинлигини исботлади.

Жаҳон чемпионати қоидасига кўра, ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов В.Топаловга қарши, Майкл Адамс (Англия) озарбайжонлик Теймур Ражабов билан ўзаро тўртта партия ўйин ўтказди. М.Адамс рақибини дастлабки партияда енгиб, қолган учтасида дуранг ўйнади ва биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Халқаро гроссмейстеримиз Р.Қосимжонов ва В.Топалов ўртасидаги баҳс анча кескин ва муросасиз кечди. Шахматчилар асосий тўртта партияда дуранг ўйнади — 2:2. Ғолиб тай-брейкда аниқланадиган бўлди.

Тай-брейкнинг биринчи партиясида Рустам Қосимжонов қора доналар билан ўйнади. Юришни В.Топалов бошлаган бўлса-да, устунликни ушлаб қололмади. Ниҳоят, 54-юришда В.Топалов Рустамнинг ғалабасини тан олишга мажбур бўлди. Биринчи партиядаёқ финал йўлланмасини деярли ўзиники қилиб олган ўзбекистонлик шахматчи иккинчи баҳсда ҳам рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. В.Топалов устидан 4:2 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз ўз фаолиятида илк маротаба жаҳон чемпионатининг финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мутахассисларимизнинг фикрича, Рустам Қосимжоновнинг финалга чиқиши Ўзбекистон шахмати учун катта ютуқдир. У ярим финалда дунёнинг энг кучли шахматчиларидан бирини енгди. Энди жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун англиялик Майкл Адамсга қарши дона суради. Рустамнинг финалдаги рақиби ҳам жуда кучли шахматчи. У Рустам билан уч маротаба куч синашган. Беллашувларнинг барчаси дуранг натижа билан якунланган.

Мусобақа қоидасига кўра, финал учрашуви олти партиядан иборат бўлади. Финал 13 июлга қадар давом этади. Ўзбекистонлик мухлислар Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатида бош совринга сазовор бўлишидан умидвор. Келинг, истеъдодли шахматчимизга омад тилайлик!

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**Газета саҳифаланаётганда:**
*Рустам Қосимжонов Буюк Британиялик гроссмейстер Майкл Адамс билан финал баҳсининг биринчи учрашувида қора доналарда ўйнаб, дуранг натижага эришди.*

## Қоракўлчилик – истиқболли тармоқ

Парламент назорати

Кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги ва озиқ-овқат қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбек қоракўли» компанияси томонидан бажарилиши масаласи муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, азалдан Бухоро қоракўл терилари довруғи узоқ-яқинга маълум ва машҳур бўлиб келган. Мустақиллик йилларида бу соҳага эътибор кучайтирилиши боис ушбу соҳа билан шуғулланувчи хўжаликлардаги мулк ўз эгаларини топмоқда. Амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайган, самарадорлик ортган. Кейинги йилларда қоракўл қўйларнинг янги-янги типлари яратилмоқда.

Шу билан бирга, компания таркибидаги хўжаликларда 2003 йилда 2002 йилга нисбатан қўйлар сони 14,7 минг бошга, отлар 796 бошга, гўшт ишлаб чиқариш 460 тонна камайишига йўл қўйилган. Оқибатда маҳсулот экспорти ҳажми 459 минг долларга, қоракўл терини хорижга сотиш эса 532 минг долларга камайган. Кўплаб наслчилик хўжаликларда малакали мутахассислар етишмайди. Яйловлардаги қудуқ, скважина ва сув қувурларининг ярмидан кўпи издан чиққанлиги боис чорва молларини сув билан таъминлаш қийинлашмоқда. Йиғилишда наслчилик ишлари айрим хўжаликларда тўлиқ юритилмаётганлиги ҳам танқид қилинди.

Шунингдек, қўмита аъзолари мутахассислар иштирокида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Баландлаб бораётган қадр

Оқибатда тўртта сурани зўрбазўр ёдлаб олган, қўлига турлича дуоларни ўзида мужассам этган рисолани олиб ёшлар орасида бепул тарқатган, ҳар гапида Аллоҳни эслаб, аслида ёшларни дунёвий илм йўлидан, жамиятдаги эзгу ишлардан чалғитиш мақсадида бўлган инсонларнинг таъсирига айрим ёшларимиз онгини бой бериб қўйдик.

Иккинчидан, маърака ва йиғинларда отинчаларни дастурхоннинг энг тўрига ўтқазиб қўйиб, уларнинг чиройли қироат қилишларига, "воизларча" гапиришларига маҳлиё бўлиб қолдик. Айрим ҳолатларда уларнинг ўқишлар пайтида билиб-билмай қиладиган даъватлари нотўғри эканлигини бетига айтиб, ўз фикримизни ҳимоя қила олмадик. Оқибатда қизларни ўқитмасликка, эскича илм олиб, фақат тоат-ибодат билан шуғулланишга, ҳатто шаърий никоҳнинг ўзи билан турмушга узатиб юборишга чақирганлар ҳам бўлди. Тадбиркорликни эркакларнинг иши деб, аёлнинг ўрни фақат уйда, деган гаплар ҳам эшитилиб қолди. Хотин-қизлар фаоллари, қишлоқлардаги, турар-жой, маҳаллалардаги ўқимишли аёлларнинг кўпчилигида ўша гапга чечан воизга тенг келиб, ундан ўтиб, асосли фикрлар билан аксинча, даврани ўзимизга қаратиш маҳорати етишмади. Буни ҳам тан олишимиз керак.

Учинчидан, бевосита бизлар – олималар, зиёлилар, ҳукумат ишларига яқиндан ёрдам бериб юрганлар оддий хотин-қизлар орасида бўлаётган воқеаларга, ўзбекистонлик аёлларнинг ғам ва ташвишларига бефарқ қарадик. Асосий ишимизни у чоракдан бу чораккача бериладиган ҳисоботлар, расмиятчилик, чиройли тадбирлар, янгича маданий савияни намойиш этишдан иборатдай тасаввур қилиб қолдик.

Давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодиётига маблағ масаласи зарур бўлиб турган бир шароитда қўшимча имкониятлар излаб топиб, хотин-қизлар қўмиталари ишини янада ривожлантириш вазифасига диққатимизни қаратдилар. Аввало, айнан хотин-қизлар қўмиталари йирик жамоатчилик ташкилоти сифатида мамлакатимиздаги ҳар бир аёл ва қизнинг талаб-истаклари, эҳтиёжлари, муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи ташкилот сифатида улардаги ички руҳий энергияни, ташаббусни уйғотишга кўмаклашиши ва жонбозлик кўрсатиши керак.

Хотин-қизлар қўмиталари оддий халқ, яъни маҳалла, овул ёки фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон ва унинг оиласи ташвишлари, ечимлари тўғрисидаги бор мулоҳазаларни ҳукуматга етказувчи ўзига хос воситадир. Яъни, фуқаролик жамиятининг муҳим таянчи, бўғини сифатида пастдан чиқадиган ташаббус ва таклифларни давлат миқёсига олиб чиқади. Туман, шаҳар ёки вилоят хотин-қизлари қўмиталари раислари бир вақтнинг ўзида ҳокимларнинг ўринбосарлари сифатида жамоатчилик фикрини ҳокимга, вазирларга, давлат раҳбарларига етказади, аёллар психологиясини яхши билган инсонлар сифатида фикр-мулоҳазалар билдиради, амалий ишларга бош-қош бўлади.

Демак, хотин-қизлар ўзларига етакчи танлаганда ёки маҳалла штатига киритилган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи қидирганда, уларга қўйиладиган талаблар – энг аввало, эл ғамига шерик бўлишга тайёрлик, саводлилик, дунёқарашнинг теранлиги, ҳуқуқий, тиббий, муомала жиҳатдан етарли маданият эгаси бўлиши шартлигини унутмасликлари лозим. Минг афсуски, айрим расмий опаларимиз — ҳоким ўринбосарлари ойлаб ҳоким олдига ана шу ўзига юклатилган масъул вазифа, яъни, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида масалалар қўймаганлиги, қўя олмаганлиги қишлоқларда ижтимоий муаммоларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Бугун республикамизда хотин-қизлар ҳаракатига бош бўладиганлар ўз атрофида соғлом фикрловчи, ташаббускор, доно аёлларни тўплай оладиган, маҳаллаларда, халқнинг корига яраб, яхши-ёмон кунида уларга хизмат қилгани учун обрў топган отинчалар, дастурхончилар, кайвонилар билан нафақат муроса қилиш, балки уларнинг таъсир кучидан фойдаланиб, ёшларни ахлоқан тўғри тарбиялаш, ҳар бир оилада ва маҳаллада тинчлик ва барқарорликни сақлашда ҳамкорлик қила оладиган бўлиши керак.

Юртбошимиз бутун жамиятни бирлашишга, фаолликка, адолатга, ҳушёрликка чақирмоқда. Ва бу ишда жамиятнинг тенг ярмидан кўпроғини ташкил этаётган уй-рўзғор, маҳалла ишларига жуда яқин бўлган зийрак ва ташаббускор онахонлар, опа-сингилларнинг кучи, садоқати ва аёлларча "сиёсатдонлигига" ишонч билдирмоқда. Мен фахр билан ўзбекистонлик хотин-қизлар бу ишончни оқлайдилар дегим келади.

Мана, матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Аниқ вазифаларни белгилаб берган ушбу ҳужжат республика хотин-қизларини жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш ва ҳимоя қилиш давлатимиз ҳамда ҳукуматимизнинг доимий эътиборида эканлигининг яна бир исботидир. Аёл қадри юксалиб бораётганлигидан нишонадир.

**Васила КАРИМОВА,**
**республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, профессор.**

*Чорвачиликда оқсил (русчада ящчур, инглизчада Epizootic aphthac) ўткир кечувчи, ўта тез тарқалувчи юқумли касаллик бўлиб, у жуфт туёқли ҳайвонларда учрайди. Касаллик халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин. У кейинги йилларда Буюк Британия, Франция, Германия, Уругвай, Аргентина, Мавритания, Туркия, Эрон, Афғонистон, Корея, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида қайд этилди.*

# Оқсил бизга хавф солмайдими?

Республикамиз чорвачилигидаги моллар ўз вақтида режа асосида эмланаётганлиги ва ветеринария-санитария соҳасида чора-тадбирлар кўрилаётганлиги, давлатимизга чегара, яъни буфер ҳудудлар қатъий назоратга олинганлиги боис кейинги 10 йилда бизда бундай касаллик қайд этилмади. Лекин республикамиз қўшни давлатлар билан чегарадош эканлиги сабабли унинг ўтиш хавфи ҳар доим сақланиб туради. Оқсилнинг асосий манбаи касал ҳайвон ҳисобланади.

Касалликни қўзғатувчи вирус чидамли ҳисобланади, лекин ёз ойларида бирмунча фаолсизланади. У оқар сувда 5-7 кунгача, қишда эса 70 кунгача яшайди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи музлатилган гўштда 90 кун, сутда эса 2-3 кун сақланиб туради.

Айни пайтда Қирғизистон Республикасида оқсил касаллиги қайд этилган. Шу боис, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг вилоятлардаги бўлимлари томонидан мазкур давлатга чегара бўлган бизнинг ҳудудлардаги аҳоли, ширкат ва фермер хўжаликлари чорва молларини ветеринария кўригидан ўтказиш, касалликларга қарши эмлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, божхона масканлари, деҳқон бозорлари, гўшт дўконлари, кушхоналар ва чорвачилик фермаларида назорат кучайтирилган. Касалликнинг мамлакатимизга кириб келмаслиги учун у қайд этилган республикалардан чорва моллари ва маҳсулотларини бизнинг ҳудудимизга киритмаслик, оқсилдан муҳофазаланиш бўйича тарғибот ҳамда ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар айниқса, Қирғизистон Республикаси билан чегара бўлган Фарғона водийси вилоятларида кенг миқёсда олиб бориляпти. Масалан, моллар бош сони аниқланиб, профилактик эмлаш мақсадида қўшимча равишда ҳукуматимиз томонидан 60 минг доза оқсилга қарши вакцина ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида Андижон вилоятига оқсилга қарши 220 минг доза эмлама етказиб берилди ва 84927 бош қорамол, 122674 бош қўй-эчки эмланди. Қўшни давлатга чегара бўлган Қўрғонтепа, Хўжаобод, Марҳамат, Пахтаобод, Избоскан туманлари ва Хонобод шаҳридаги божхона масканларида ветеринар мутахассислар, Ички ишлар вазирлигининг карантин қўриқлаш хизмати ходимларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, улар навбатчилик қилиб, чорва моллари, гўшт ва сут маҳсулотларининг кириб келишига йўл қўйишмаяпти.

**Долзарб мавзу**

Наманган вилоятининг Қирғизистон билан чегара ҳисобланган Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Уйчи ва Учқўрғон туманлари ҳудудларида ҳам назорат кучайтирилган. Вилоятдаги ветеринария бўлимлари етарли миқдорда вакцина препаратлари билан таъминланди. Ҳозиргача чегара жойларидаги барча моллар эмланди ва профилактик кўрикдан ўтказилди.

Шу билан бирга, Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан республикамизга қўшни бўлган бошқа давлатларнинг чегараларида ҳам назоратни кучайтириш борасида иш олиб борилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Қозоғистон билан чегарадош ҳудудлари етарли миқдорда вакциналар билан таъминланган ва ҳар бир чегара масканида ветеринар мутахассислар олиб ўтилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг таркибида касаллик белгиларини аниқламоқда.

— Биргина Қирғизистон эмас, балки бошқа қўшни давлатлар билан ҳам чегара ҳудудларда назорат кучайтирилган, - дейди Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Собир Ашуров. – Оқсил касаллигининг ҳудудимизга кирмаслиги учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 3527,2 минг доза оқсил эмламаси вилоятларга тарқатилиб, ҳамма тоифадаги чорва моллари профилактика кўригидан ўтказилиб, эмланмоқда. Айни пайтда барча вилоятлар вакциналар билан тўла таъминланган. Биринчи навбатда чегара жойлари, яъни ёндош ҳудудларга эътибор кучайтириляпти.

Мутахассисларининг маълумотларига кўра, оқсил ва бошқа касалликларнинг республикамиз ҳудудига кириб келмаслиги учун барча чора-тадбирлар кўриляпти. Агар белгиланган талабларга риоя этсак оқсил бизга хавф сололмайди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# МАҚСАД — АФҒОНИСТОНГА КЎМАКЛАШИШ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).*

***Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон корхоналарининг Афғонистон иқтисодиётини тиклаш бўйича лойиҳалардаги иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев очди.***

Айни пайтда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. 2001 йили ўзаро савдо ҳажми 11,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич салкам 90 миллион долларга тенглашди.

Ўзбекистон фирма ва компаниялари Афғонистонда йўл қуриш, электр энергия тармоқларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги дастурларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида имзоланган савдо-иқтисодий ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига асос солибгина қолмай, алоқалар кўламини янада кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз томонидан Афғонистонга озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари, дори-дармон, электр-энергияси, турли хил машина ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шу кунга қадар ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф - Саланг- Кобул йўналишидаги ўнта кўприк тикланди. Ҳайратон - Мозори Шариф темир йўлининг бир қисми қайта ишга туширилди. Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил Эронга ташрифи чоғида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ҳукуматлари ўртасида имзоланган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга кўра, Афғонистон ҳудудидан ўтувчи транспорт йўлагини (Трансафғон йўлаги) барпо этиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

Шунга қарамай, семинарда Ўзбекистоннинг Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги имкониятлари тўлиқ ишга солинмаётгани таъкидланди. Мазкур мамлакат билан чегарадош бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, йўл транспорти, энергетика, сув тақсимоти тизимларидан фойдаланиш борасида катта тажрибага эга. Афғонистон иқтисодиётининг шу соҳаларини тиклаш ишида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтириш ҳам иқтисодий, ҳам мантиқий жиҳатдан асосли бўларди. Лекин ҳозирча бу борада Ўзбекистон компанияларининг Афғонистондаги лойиҳа ва дастурлардаги ҳиссаси имконият даражасида эмас.

Семинарда йиғилганларга Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкининг Афғонистон иқтисодиётини тиклашга қаратилган дастур ва лойиҳалари, ўтказилаётган тендер савдолари, танловларда иштирок этиш тартиб-қоидалари, Афғонистондаги бизнес имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Семинарда иштирок этган Ўзбекистоннинг ўттиздан ортиқ фирма ва компанияси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олди.

*Ўлкамиз боғ-роғлари, узумзор ва полиз пайкалларида етиштирилаётган мевалар, қовун, тарвузлар заминдан баҳра олиб, ҳозир шира тортаётган палла. Бу — халқимиз ибораси билан айтганда, юртда пишиқчилик мавсуми бошланаётганидан нишона.*

*Бухоро туманидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига қарашли «Гала-Осиё» узумчилик ширкат хўжалигида бу йил 336 гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Боғбонлар ҳосилдорликни гектарига 130 центнерга етказиб, жами 4500 тонна узум олишни режалаштиришган. Қувонарлиси, олинган маҳсулотлар хўжаликда ташкил этилган Ўзбекистон-Швейцария «Мибутех» қўшма корхонасида қайта ишланади. Жумладан, бу йилги ҳосилдан 250 минг деколитрдан ортиқ узум шарбати тайёрланиб, корхона заводининг ўзида қадоқланади.*

*Шу билан бирга хўжалик аҳли тумандаги 9-мактабнинг 740 нафар ўқувчисини уч йилдан буён дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, туманда спортни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.*



**СУРАТДА: ширкат хўжалиги раиси Ўлмасбой Раҳматов ва пудратчи Ҳалима Демурчиева ҳосил чўғини чамалашмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 6 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 728,60 | 1 Канада доллари | 771,60 | 1 ЕВРО | 1257,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1872,83 | 1 Хитой юани | 123,41 | 10 Жанубий Корея вони | 8,86 |
| 1 Дания кронаси | 169,30 | 1 Малайзия ринггити | 268,84 | 10 Япония иенаси | 94,13 |
| 1 БАА дирхами | 278,10 | 1 Польша злотийси | 278,32 | 1 Россия рубли | 35,17 |
| 1 АҚШ доллари | 1021,45 | 1 СДР | 1497,58 | 1 Украина гривнаси | 192,00 |
| 1 Миср фунти | 165,28 | 1000 Туркия лираси | 0,71 | | |
| 1 Исландия кронаси | 14,17 | 1 Швейцария франки | 829,17 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Япония гранти кўмагида

Наманган вилоятида изланиш ва интилишлари билан Япония ҳукумати грантини қўлга киритган мактаблар сони талайгина. Тўрақўрғон туманидаги 16-мактаб жамоаси яқинда 68 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантга сазовар бўлган эди. Мактаб жамоаси ана шу кўмак ҳисобидан ўқув даргоҳини мукаммал таъмирдан чиқариб, компьютер синфи очишди. Япония грантини қўлга киритган Янгиқўрғондаги 58-мактабда ҳам кўпгина ибратли ишлар қилинди. Куни кеча Японияниинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходими Хироко Китомури хоним Наманганда бўлиб, грант олган мактаблардаги ўзгаришлар билан танишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Ёш ижодкорлар — Зоминда

Зомин туманидаги «Ўримчисой» дам олиш масканида республика ёш ижодкорларининг анъанавий VIII семинар-танлови бошланди. Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган йигит-қизлар ўзларининг энг сара ижодий асарлари намуналарини намойиш этишади.

Семинар-танлов давомида таниқли шоир-ёзувчилар, журналистлар билан мушоиралар, давра суҳбатлари уюштирилаяпти.

Ёш ижодкорларнинг «Зомин-2004» семинар танловининг очилиши тантаналарида қатнашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тадбир иштирокчиларига ижодий муваффақиятлар тилади.

Семинар иштирокчилари Жиззах вилояти ҳокими У. Яманқулов билан учрашдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# COSCOM: СИФАТЛИ ТАРМОҚ —

***Бизнесда энг асосий нарса — бу технология, жиҳоз ва сармоя, десак, янглишмаймиз. Ҳақиқатан, сармоясиз бошланғич маблағ бўлмайди, демак, ўз-ўзидан замонавий жиҳозлар ҳам, технология ҳам, ноу-хау ҳам бўлмайди. Уяли компания учун бу шартлар икки ҳисса аҳамиятли. Бироқ сармоя ва жиҳозлар ёки замонавий технологиянинг мавжудлиги зарурий шарт бўлса-да, етарли омил эмас. Чунки барибир асосий шарт — бу сифатли менежмент, яъни корхонани бошқаришнинг пухта тизими саналади. Бунинг учун тарихдан ҳаммага маълум бир мисол келтирамиз.***

***Ўтган юз йиллик бошида компаниялардан бири жуда катта маблағ эвазига юзлаб лойиҳачи-мутахассис, энг яхши ишлаб чиқарувчи ва ўз даврида энг замонавий бўлган технологияларни жалб этиб, кемасозлик техникаси тарихидаги ғаройибот — «Титаник» гигант кемасини қуриб битказди. Лекин, биламизки, гарчи кутилмаган шарт-шароит туфайли бўлса-да, кема чўкиб кетди. Бу биринчи галда кема капитанининг айби ва унинг командаси иши яхши йўлга қўйилмагани туфайли рўй берди. Мана, сизга, менежментнинг аҳамияти! Бугунги кунда менежментнинг корхона фаолиятига таъсири шунчалик юқорики, бирорта замонавий корхона 9000 серияли ISO халқаро стандартлари бўйича кўнгилли сертификациялашсиз иш юритмайди.***

***2004 йил 12 майда «COSCOM» компанияси телекоммуникация секторида Ўзбекистонда биринчи, МДҲ давлатлари ўртасида иккинчи бўлиб ISO-9001-2000 халқаро стандартларга жавоб берувчи менежмент тизимига мувофиқлик сертификатини олди. Мазкур сертификат сертификатлаш бўйича халқаро ташкилот — TÜV Rhcinland Berlin — Brandenburg Grup (Германия) томонидан берилган. Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.***

### «ИСО-9000 серияси» нима дегани?

ISO — бу Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот номининг аббревиатураси. Мазкур ташкилотга 1947 йилда халқаро товар алмашув ва ўзаро ёрдамни таъминлаш учун стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида асос солинган. Тўғри, унинг тўлиқ номланиши — Internotional Organization for Standartization ва аббревиатураси — ISO ўртасидаги номувофиқликни сезиш мумкин. Унинг тўлиқ номига қараганда, қисқарган шакли ISO эмас, IOS бўлиши керак. Аслида «ISO» грекча «isos» сўзидан олинган бўлиб, «тенг» маъносини англатади ва айни пайтда олд қўшимча бўлиб хизмат қилади. ISO «изометрия» (тенг ўлчов ёки ўлчаш) ва «изономия» (қонунлар тенглиги ёки одамларнинг қонун олдидаги тенглиги) каби атамалар мажмуида ҳам кўп учрайди.

«ISO» қисқартма номини бутун дунёда бир хил шаклда қўллаш қабул қилинган. Чунки ташкилот номи таржима қилингач, турли тилларда турлича аббревиатурага эга бўлиб қолиши мумкин. Масалан, у инглиз тилида IOS, француз тилида эса OIN (Organisation internationals de normalisation) шаклини олади. Шу боис халқаро ташкилот номининг қисқартирилган шакли — ISO ҳамма мамлакатларда бир хилда ишлатилади.

9000 — сифат менежменти тизимининг халқаро стандартлар сериясини англатади. ИСО-9000 эса сифатни яхшилаш бўйича халқаро стандартлар серияси саналади. Унда ташкилотнинг сифат менежменти тизимига бўлган талаблар, асосий қоида ва атамалар, ташкилот фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар, сифат менежменти тизимини аудитдан ўтказишга ва экологик менежментга бўлган талаблар баён этилган.

### Сифат менежменти ҳақида тушунча

1994 йилда ИСО-9000 серияси стандартларида «сифат тизими» тушунчаси мавжуд эди. Бугунги кунда у «сифат менежменти тизими» (СМТ) тушунчасига айлантирилди. ИСО-9000:2000 халқаро стандартлаштиришга мувофиқ, СМТ — бу ташкилотни сифатга нисбатан бошқариш ва раҳбарлик қилиш тизимидир. Моҳиятига кўра, СМТ — бу корхонанинг якуний натижа сифатига йўналтирилган бутун ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошқаришдир. Бу, энг аввало, чуқур ўйланган иш қоидалари ва корхона ичида ходимларнинг зарур ҳажмда ҳужжатлаштирилган ( корхона стандартлари, услубий ва ҳоказо кўринишларда) ўзаро муносабатларидир.

Стандартлар барча турдаги ва ҳажмдаги корхоналарга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган ва самарали СМТ ишлашини таъминлайди. СМТнинг татбиқ этишни ташкиллаштиришни юзага келган бозор шароитлари — истеъмолчи маҳсулоти талаби, яъни хизматлар, лицензия олиш учун шарт-шароитлар ва бошқалар «мажбур этади».

### Янги тизим — хорижда

Жаҳон бўйича турли хил фаолиятларга оид 400000 дан зиёд ташкилот сифати тизимлари сертификацияланган. Улар орасида «Фольксваген», «Рэнк ксерокс», «Рено», «Мобил», «Оливетти» каби машҳур фирмалар бор. Бироқ «экзотик» мисоллар ҳам мавжуд: ИСО марказий котибияти, Туркия Савдо вазирлиги, Буюк Британия транспорт компаниялари, Янги Зеландия полициясининг ахборот-компьютер тизими, Австралиядаги Қироллик госпитали, Голландиядаги гул дўкони.

Стандартлар саноат, қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси, транспорт, маъмурий муассасалар, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

### Сертификациялашга нима мажбур қилмоқда?

Корхоналарнинг сифат тизимларини сертификациялашга ундовчи сабаблар қуйидагилар:

— шартнома тузишда истеъмолчи талаблари (масалан, автомобилсозликда);

— тендер, танлов ва шу каби тадбирларда иштирок этиш учун шарт-шароит яратиш, бу ўз навбатида шартнома тугаганда корхона учун реклама вазифасини ўтайди;

— маҳсулот ёки хизматларда рақобатнинг ошиши;

— юқори раҳбариятнинг исталган пайтда корхонанинг халқаро талаблар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш шароитларига мувофиқ бўлишини онгли равишда истаыши.

Шунингдек, ташқи муҳим омилларга яна шуни қўшиш лозимки, корхона

**_Эртанги кун бугундан бошланади. Уй қуриш учун, аввало, пойдевор бунёд этилади. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, уй ҳам шунчалик кўпга чидайди. Шу маънода Президентимиз ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёш авлоднинг соғлом камолга етиши учун айни муддао бўлди._**

**_Табиийки, жамғарма зиммасидаги юмушларни бажаришда унинг жойлардаги бўлимларидан ҳам масъулият талаб этилади. Биз ушбу масалага қай тарзда ёндошилаётганини билиш учун Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманлари — Элликқалъа ва Шуманайда бўлдик._**

# Пахтазорга туташ ўйингоҳ

Шуманай туман ҳокимлигига огоҳлантиришсиз кириб бордик. Ҳозир қизғин иш мавсуми бўлса, уларни ҳам безовта қилмайлик, дея истиҳолага бордик. Бу иккиланишимизни ҳамроҳимизга билдирганимизда, унинг мана бу гапи бизга далда бўлди: «Спорт ҳам пахтадай муҳим!»

Ҳоким қандайдир йиғилишга кетганини айтишди. Бошқа хонага мўраладик: Ёши эллик-эллик беш ёшлар атрофидаги одам телефонда гаплашаётган экан. Эшикдаги ёзувни ўқиймиз: "Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари". Саломаликдан сўнг муддаони айтдик. Ҳоким ўринбосари спортга масъул одам юмуш билан бир ёққа кетганини айтаркан:

— Юринг, стадионларни айланамиз, — деб қолди дабдурустдан. (Дабдурустдан деганимизнинг боиси шуки, кўп жойларда бундай мутасаддилар гапни ҳисоботдан бошлашига кўникиб қолган эдик). У кишининг ҳамроҳлигида стадионга бордик.

Стадион деганлари... стадионга ўхшаб кетади. Ўриндиқлар, дарвозалар, баскетбол тўри ўрнатилган. Майдон оппоқ. Стадион ёнида эса улкан теннис корти қурилиши дабдаба билан бошланган ва тўхтаб қолган. Чунки...

— Маблағ етишмайди, — дейди ҳамроҳимиз. — Сиз кўриб турган қисми эса ҳашар йўли билан бунёд этилган. Ҳашарни ҳам спортга ихлосманд кишилар билан уюштирдик. Бу ерда ҳар куни кекса-ю ёш спорт билан машғул бўлишади. Футбол, баскетбол ўйинлари доимий ўтказилади.

— Ушбу корт қурилишини якунлаш учун наҳотки, умуман маблағ бўлмаса?

— Маблағ бор, аммо, уларни пахтага ишлатаяпмиз. Баъзи жойларда чигитни уч марта қайта қададик. Қишлоқда биз учун энг муҳими — пахта. Чунки турмуш тарзимиз ҳам, моддий томонлар ҳам шунга боғлиқ. Агар пахтамиз яхши бўлса, муаммоларни ҳал қилиш осонлашади. Лекин бу билан фақат пахтага қараб қолиш керак, демоқчи эмасман. Қўлимиздан келган ҳамма имкониятни ишга солаяпмиз.

Яна стадион ва қурилиш ишлари охирига етмаган теннис кортини айланамиз. Умуман олганда, стадионни ҳашарчилар маҳаллий шароитга мослаб битказганлар. Дарвозалар мустаҳкам, у ер бу еридаги тахталари йўқ ёки синиқлигини айтмаса, ўриндиқлар ҳам бинойидек. Ҳатто стадионнинг шундоқ биқинида ҳаммом бор.

— Футбол ўйини ёки бошқа мусобақалардан кейин одамларнинг ювинишлари учун қурганмиз, — дея изоҳ беради ҳамроҳимиз. — Келган одам раҳмат, дейди. Мириқиб футбол ўйнагандан кейин, чўмилишнинг гашти бўлакча бўларкан-да!

Теннис кортининг биноси зўр тикланган. Энди унга «либос» кийдириш керак. Бунинг учун эса ташкилотчи одам ва маблағ зарур. Чунки ташкилотчи бўлиб пул бўлмаса, иш битмайди. Маблағ топилиб ташаббускор топилмаса... маблағ ҳавога учади. Аммо Шуманайда пулнинг қадрини билишади, уни топиш осон эмаслигини катта-ю

## Болалар спорти

кичик, оддий одаму раҳбаргача жуда теран ҳис қилади. Шунинг учун улар маблағни ҳавога эмас, одамларга нафи тегадиган жойларга ишлатишади.

Ҳоким ўринбосари бизга туманнинг келгусидаги режалари белгиланган дафтарини кўрсатади. Уни кўздан кечирарканмиз, истиқболда кўплаб спорт иншоотлари қуриш, борларини таъмирлаш кўзда тутилганини, шунингдек бошқа соҳаларда ҳам кўпгина иш қилиш кераклигини англаймиз. Ишқилиб, белгиланган ушбу режалар тезроқ амалга ошсин-да, дедигу кейинги туманга йўл олдик.

140 километрга — Элликқалъага икки соатда етиб бордик. Тумандаги спорт борасидаги ўзгаришлардан бохабар бўлиб чарчоқни унутдик.

Туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассиси Р. Жуманазаров гапни соҳага кўрсатилаётган эътибордан мамнунлигидан бошлади.

— Юртимизда болалар спортига катта аҳамият берилмоқда, — дейди у. — Бундан кўзланган мақсад, эртанги кунимиз эгаларини нафақат жисмонан, балки маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук бўлишига эришиш. Агар шундай эътибор бўлмаганда, бизнинг туманлардагидек чеккада жойлашган ҳудудлар назардан четда қоларди. Тўғри, ҳамма нарсага бирдан эришиш мушкул. Энг муҳими, муаммоларни бирма-бир ҳал этишда. Туманимизда спорт борасида олиб борилаётган ишларни айтсам мақтанишга йўйманг. Ҳозир бизда 6-17 ёшдагилар орасида спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларга тумандаги мавжуд 24 та футбол, 72 та волейбол, 46 та баскетбол, 24 та қўл тўпи, 27 та мини футбол майдончалари ҳамда 35 та спорт зали хизмат қилмоқда...

Қарасак, ҳамроҳимиз ҳисобот беришдан тўхтамайдигандай. Шунинг учун у кишига:

— Айтган жойларингиздан айримларини кўрсак бўладими? — десак:

— Ҳовва, — дедилар.

Ҳамроҳимиз билан янгидан иш бошлаган Амиробод овули, Навоий маҳалласи ҳамда 61-мактабдаги учта спорт мажмуасига бордик. Бу спорт иншоотларини кўздан кечириб, уларнинг дид билан жиҳозланганига амин бўламиз. Спорт билан шуғулланувчиларга барча шароит етарли. Зарур анжомлар бор.

Биз бу майдонларни кузатарканмиз, спорт мутасаддисидан сўраймиз:

— Нима деб ўйлайсиз, бошқа туманларда ҳам шундай иншоотларни қуриш мумкинми?

— Албатта мумкин. Фақат иштиёқ ва ҳафсала керак! Бугунги кунда қаерга бормайлик, спортга ишқибоз болалар ниҳоятда кўплигини кўрамиз, уларнинг имкониятига қараб тарбияласак, қўллаб-қувватласак, кўплаб истеъдодли спортчилар кашф этилиши мумкин. Энг муҳими, бугун одамларимиз спорт ҳақида ижобий фикрдалар. Мисол учун айтай, илгари одамлар туманимиздан бирор кишининг фарзанди каратэ билан шуғулланаётганини эшитиб қолсалар, дарҳол уни жангариликда айблардилар. Чунки спортнинг бу тури ҳақида нотўғри талқинлар бор эди-да. Энди эса ундай эмас. Бугун барчамиз спортнинг эзгулик элчиси эканлигини англаяпмиз. Бу тушунчани болалар онгига сингдиришнинг ўзи бўлмайди.

Изланувчан ва ташаббускор одамларни қўллаб-қувватлашда гап кўп. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида моддий манфаатдорлик устувор туришини инобатга оладиган бўлсак, бу жиҳат Элликқалъа туманида яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам бу ерда ўзгариш кўп, одамларнинг кайфияти бардам.

Тўғри, Шуманай туманида аҳвол мақтагулик эмас. Аммо бу ерда ҳам ишонч ва интилиш, эртанги кунга умид ҳисси бор. Туман раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни яхши ҳис қиладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг гапларида ёлғон, бирёқламалик йўқ. Дили ва тили беғуборлар эса элни алдамайдилар.

Ҳар ҳолда биз шу умидлар билан қайтдик...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Греция — қитъа чемпиони, ЎЗБЕКИСТОН-ЧИ...




**_Футбол солномасини сув қилиб ичиб юборган билимдонлар ҳам Португалияда бўлиб ўтган Европа чемпионатининг финал баҳсларида Греция ғолибликни қўлга киритишини башорат қилишолмаганди. Лекин саралаш баҳсларидаёқ жаҳонда номи кетган терма жамоаларни доғда қолдириб, Европадаги 16 та командадан бири бўлганда ҳам мутахассислар ажабланишганди. Бу ҳайрат бутун чемпионат давомида бир неча бор такрорланди ва Греция халқини чексиз қувонч ва ифтихорга чулғади. Зотан, қитъа чемпионлиги шу йил ёзда бошланадиган Олимпиада ўйинларига арзигулик совға бўлди._**

Грециянинг кутилмаган зафари кўпларни ўйлантириб қўйди. Демак, эндиликда дунёда шак-шубҳасиз чемпион жамоа бўлиши мумкин эмас. Европа баҳсларида Испания, Франция, Германия, Англия, Италия, Чехия, Португалия каби донгдор жамоаларнинг ортда қолиши ўзбекнинг «Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир» мақолини ёдга солади. Бордию жамоада ўйнаётган спортчилар кўксида Ватан туйғуси жўш урса, Оллоҳ берган истеъдоди ва маҳоратини кўрсатиб зафар қучганда бутун мамлакати чексиз ғурурга тўлишини англаб интилса, Ўзбекистон ҳам жаҳон футбол майдонларида ҳайратга сазовар мўъжизалар яратолмайди, деб ким айтади?! Ахир, спортнинг бошқа соҳаларида вакилларимиз мислсиз ғалабаларга эришишяпти-ку?!

Ҳозир Ўзбекистон футболчилари ҳам қитъа чемпионати баҳсларига тараддуд кўришяпти. Жаҳон биринчилиги учун саралаш ўйинлари ҳам узоқ эмас. Шундай пайтда миллий терма жамоамизга нима керак? Албатта, юксак маҳорат, ишқибозлар қўллаб-қувватлаши ва энг оқилона маслаҳат. Кўнгилга тугиб олинадиган, ифодали қилиб айтганда, тумор каби асраладиган фикр — доно маслаҳат, шубҳасиз, миллионлаб футбол ишқибозларининг биргаликда ўй-мулоҳаза юритиши самарасидир. Шуларни ҳисобга олиб, юртимиздаги чин ватанпарвар ишқибозларга қуйидаги савол билан мурожаат қиляпмиз:

*«Сизнингча, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон футбол майдонларида муваффақиятга эришиши учун нималарга эътибор бериши керак?»*

Жавоблар, имкони борича лўнда, қисқа ва тушунарли бўлишини сўраймиз. Энг эътиборли, диққатга сазовор маслаҳатлар «Халқ сўзи» саҳифаларида чоп этилади ва миллий терма жамоамизга тақдим қилинади. Кўпдан кўп фикр чиқади. Ахир, айнан сизнинг бир оғиз таклифингиз Ўзбекистон терма жамоасининг ғалабасига сабаб бўлса ажаб эмас.

Жавобларни қуйидаги манзилга юборинг:
**700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.**
**«Халқ сўзи» газетаси таҳририятига.**

# Танлов якунланди

**Андижон вилоятининг сўлим Хонобод шаҳрида Миллий дорбозлар, анъанавий цирк санъати жамоалари ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг учинчи республика кўрик фестивали бўлиб ўтди, — дея хабар беради Маданият ишлари вазирлиги ходими Гуларо Абдуллаева. — Машҳур дорбозлар У. Нишонбоев, К. Назаралиев ва М. Юсуповлар хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу танловда Марҳамат туманидаги «Андижон самоси» миллий халқ дорбозчилик гуруҳи жамоаси биринчи ўринга сазовар бўлди. Янгийўл туманидаги "Қалдирғоч" намунавий цирк жамоаси "Анъанавий цирк санъати", Асака ва Жиззах туманлари маданият уйлари жамоалари "Ҳаваскор қўғирчоқ театрлари" номинациялари бўйича ғолиб деб топилдилар.**


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан таъсис этилган мукофотлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

## ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

ўтказадиган танлов тўғрисида

**Фан ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган юқори даражали илмий ишлари, илмий кашфиётлари ва ихтиролари учун олимларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази қуйидаги илмий-техник йўналишлар бўйича танлов эълон қилади:**

- *механика ва бошқарув жараёнлари; энергетика ва энергия тежовчи технологиялар; асбобсозлик ва автоматика;*
- *математика, умумий физика, астрономия, информатика;*
- *умумий ва техник кимё; кимёвий ва доривор препаратлар; Ер тўғрисидаги фанлар; атроф-муҳит муҳофазаси;*
- *биология, биотехнология; агросаноат мажмуаси; тиббиёт ва тиббиёт технологияси; экология;*
- *иқтисодиёт; ижтимоий-гуманитар фанлар; адабиёт ва тилшунослик;*

Мукофотлар алоҳида илмий иш, кашфиёт, ихтиро ҳамда бир мавзуга бағишланган илмий ишлар мажмуига берилади.

Танловга бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни тақдим этишда изланувчилар жамоасига фақат ишларни бажаришда бевосита ижодий иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган етакчи муаллифлар киритилади. Ҳар бир иш бўйича изланувчилар сони ушбу илмий-техник муаммони ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган уч кишидан ошмаслиги керак.

Танловга номзодларни тақдим этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академикларига, илмий муассасаларга, олий ўқув юртларига, вазирлик ва идораларнинг илмий ва инженер-техник кенгашларига берилади.

Танловга номзодларни тақдим этган ташкилотлар ва алоҳида шахслар танлов тўғрисида матбуотда эълон чиққан кундан то 2004 йилнинг 20 августигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- *ишнинг илмий тавсифи ҳамда фан ва халқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида маълумотнома;*
- *нашр қилинган илмий ишлари, илмий кашфиёт ва ихтиролар тўғрисидаги ҳужжатлари (икки нусхада);*
- *муаллифлар тўғрисидаги маълумотнома (асосий илмий ишлар рўйхати, кашфиёт ва ихтиролари, иш жойи ва мансаби, уй манзили, телефони) ҳамда 4х6 ҳажмдаги икки дона рангли фотосурати.*

*Ҳар бир илмий-техник йўналишга иккитадан (ҳар бири бир миллион сўмдан) пул мукофоти берилади.*

**Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2004 йилнинг 20 августигача Фан ва технологиялар марказида (700000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 62-уй, метронинг «Минор» бекати) шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 14.00 дан 17.00 гача ёки почта жўнатмаси орқали қабул қилинади.**
**Танлов шартлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Фан ва технологиялар марказидан олиш мумкин.**

Маълумот учун телефон: 139-18-46.

9457R/1540



«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.




Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ

**2004 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ МУТАХАССИСЛАР УЧУН БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ОЛИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**ТАНЛОВДА:**
***23-30 ёшлардаги, магистр даражасида, ташқи иқтисодий фаолият бўйича билимга, компьютерда ишлаш тажрибаси ва хорижий тиллардан бирини эгаллаган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.***

**Аризалар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг кадрлар тайёрлаш бошқармасида қабул қилинади.**

Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко к., 1-уй. (мўлжал — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қаршисида). Маълумот учун телефонлар: 152-57-04, 138-50-59, 138-50-58.



«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сум. Цены действительны до 15.07.2004 г. при предоплате 100% |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15х2,8 мм | 795000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 795000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 785000 |
| ДУ 50х3,5 мм | 780000 |
| ДУ 65х4,0 мм | 775000 |
| ДУ 80х3,5 мм | 775000 |
| ДУ 100х4,0-5,0 мм | 775000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76х3,5 мм | 775000 |
| 89х4,0-5,0 мм | 775000 |
| 108х3,5-5,0 мм | 775000 |



Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommasht@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



Автомобилларни газ ( метан ) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.
Тўшакбоп пахта сотиб оламиз.
Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: lirafeniks@mail.ru


«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқарувининг ишлар бошқарувчиси Р. Қ. Бобораҳимовга падари бузруквори
**АБДУҚАЮМ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлари штаби «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси бошлиқ муовини Фазлитдин Тошмуҳамедовга волидаи муҳтарамаси
**ЗАҲРО аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Менежмент ва касб таълими» факультети декани муовини Маҳсума Собировага онаси
**Тўхтахон ая АҲМАДХЎЖАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—869. 22202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Х. Раупов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20 23456